



MODERN
SCIENCE
RESEARCH

Since
2024

NEW RENAISSANCE

international scientific journal

International Scientific Journal

NEW RENAISSANCE

Volume 2, Issue 5

May 2025

Tashkent-2025

БУХОРОДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СОВЕТ ДАВРИ МИСОЛИДА)**Бобожонова Феруза Хаятовна**

Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

bobojonova.feruza.71@mail.ru

957674774

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15353315>

Аннотация. Мақолада Бухорода совет ҳокимияти йилларида таълим (1925-йил-1941-йиллар) масалалари ёритилади. Мақолада мактаблар тўғрисида қабул қилинган бир қанча қарорлар келтирилган. Бухородаги бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар йиллар кесимида таҳлил қилиб берилган. Мактаб таълимида ислохотчилик масалалари ҳар томонлама ёритиб берилган. Бухорода 1925-1941 йилларда халқ таълимини ривожлантириш йўлида қилинган ҳаракатлар ушбу мақолада ёритилган.

Калим сўзлар: мактаб, совет мактаб, маориф, совет ҳукумати, ўқувчи, ўқитувчи, синф, бошланғич таълим, дарслиklar, Ўзбекистон ССР, ўрта мактаблар, ислохотчилик, таълим, ўқув йили, кечки мактаблар, савод, илм.

ПРОБЛЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В БУХАРЕ В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы образования в Бухаре в годы Советской власти (1925-1941). В статье упоминается несколько решений, принятых в отношении школ. Начальные и средние школы Бухары проанализированы по годам. Вопросы реформы школьного образования освещаются всесторонне. В данной статье описываются усилия по развитию народного образования в Бухаре в 1925-1941 гг.

Ключевые слова: школа, советская школа, образование, советская власть, ученик, учитель, класс, начальное образование, учебники, Узбекская ССР, средние школы, реформизм, воспитание, учебный год, вечерняя школа, грамотность, наука.

EDUCATIONAL ISSUES IN BUKHARA DURING THE YEARS OF SOVIET POWER

Abstract. This article covers the issues of education in Bukhara during the years of Soviet power (1925-1941). The article mentions several decisions made about schools. Primary and secondary schools in Bukhara are analyzed by years. Issues of reform in school education are covered in every way. This article describes the efforts made in the development of public education in Bukhara in 1925-1941.

Key words: school, Soviet school, education, Soviet government, student, teacher, class, primary education, textbooks, Uzbek SSR, secondary schools, reformism, education, academic year, evening schools, literacy, science.

Кириш. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Бухоро воҳасида совет ҳокимияти даврида маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш жараёнида миллий урф-одатлар, қадриятларни мафкуравий жиҳатдан камситилганлигини тарихий манбаларга таянган ҳолда ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Мактаб-ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга маълумот бериладиган ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган ўқув тарбия муассасаси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда таълим тарихига назар ташлайдиган бўлсак, таълим тизими анъанавий таълим берувчи мактаблар (эски мактаблар), жаид, рус-тузем мактаблари ва совет туридаги мактаблар мавжуд бўлган.

Асосий қисм. Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши 1924 йилда ўтказилди. 1925 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг II съезди бўлди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг маърузасида республикадаги мактабларнинг аҳволи таҳлил қилинди. Халқ орасида маънавиятга интилишнинг кучлиги, қадимдан шаклланиб келган анъанавий мактабларга халқнинг ўқишга бўлган эҳтиёжи жудда катта эди, лекин ўзбек совет мактабларининг ҳали бу эҳтиёжини тўла қондира оладиган даражада эмас эди. Маърифатпарварлар эса хусусий мактабларни очиш тарафдори эдилар. Мана шундай шароитда, анъанавий (эски) ва хусусий мактабларни қайта очиш ва мустаҳкамлашга бўлган бу интилишларга совет ҳукумати зарба бериш учун ҳаракат қилди. Чунки анъанавий ва хусусий мактаблар халқнинг қадриятини, қадимдан шаклланиб келган анъанасини ва ўтмишини тарқатувчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Совет ҳукумати совет мактабини ўзбек халқининг маданиятини юксалтиришда воситаларидан бири бўлиб қолади деб ҳисоблар эди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари совети 1925 йилнинг 30 августида “РСФСРда умумий бошланғич таълимни жорий қилиш ва мактаблар қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди, бу қарор маҳаллий Советларга жойларда умумий бошланғич таълимни аста-секин жорий қилиш учун зарур бўлган шароитни тайёрлашда йўл-йўриқ бўлди [6;41]. Шу сабабдан, Ўзбекистон ССРда таълим соҳасида 1924-1929 йилларда совет мактаби сонини кенгайтириш масаласига асосий эътибор берилган эди. Унда Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР ҳукумати вакили сифатида иштирок этди, у съезда уч тилда-тожик, ўзбек ва рус тилларида маъруза қилиб, ёш совет республикаси олдида турган вазифалардан бири ёшларни саводли қилиш масаласини, муваффақиятга эришувининг энг яхши гарови-маърифат, саводхонликдир деган фикрларни билдирди. [5;77-78]

Совет даврида мактабларнинг кундалик ҳаёти қатъий ишлаб чиқилган тартиб асосида амалга оширилди. Ўқув куни бошланиши ва уни қандай ўтказиш, ўқувчилар жалб этилган жамоат ташкилотлари-октябрят, пионер, комсомолдан тортиб, ўқувчига таълим-тарбия бериш сиёсий жиҳатдан қолипга солинган эди. Кейинчалик психолог ва педагоглар томонидан совет таълим тизимини ижодий фикрлашга қодир бўлмаган, партия учун хизмат қиладиган армия тарбиялашда айбланди. [5;762]

1924 йилдаги мактаблар аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, Республикада 1924 йилда бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар 903 та бўлиб, ўқувчилар олдинги йилларга нисбатан беш бараваридан кўпроқ шиб кетган эди.

Ўзбекистонда совет мактабларининг янада кенгайиб бориши учун муҳим шартлардан бири ўзбек тилида дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари яратиш, ёзувни анъанавий (эски) диний мактаб анъаналаридан тамоман халос қилиш эди. Бунинг учун советлар араб графикасига асосланган ёзувни янги алфавит асосига кўчиришга тайёргарлик кўрилиши лозим эди. Ўзбек совет мактабини янада кўпайтириш маҳаллий миллат кишиларида ўқитувчилар тайёрлашга қаттиқ эътибор беришни талаб этар эди.

Умумий бошланғич таълимни жорий этиш, “саводсизликни тугатиш” каби ислохотлар ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда кечди. Масалан, янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлса-да, анъанавий (эски) мактаблар ва жаҳид усулидаги мактаблар муаллимларидан фойдаланмади, аксинча, уларга “душман” сифатида қаралди.

Бухорода 1925-1940 йилларда халқ таълимини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилди, бу ўртада икки марта (1929-1940) алифбо алмашинувини бошдан ўтказишга тўғри келди. 1930 йилларнинг охирига келиб, Бухорода 82 та бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар фаолият кўрсатарди.

Ўзбекистонда 1924 йилдан 1926 йилгача бўлган мактаблар фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги кўрсаткични кўришимиз мумкин. 1924-1925 ўқув йилида Ўзбекистонда барча типдаги 908 та мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 1925-1926 ўқув йилида мактаблар сони 1353 тага ошган, шу жумладан, 867 та бошланғич, қолгани эса 7 йиллик мактаб бўлган. Мавжуд 75513 нафар ўқувчининг 4/3 қисми бошланғич мактабда ўқиган.

Бухорода “Миллий инқилоб” йилларида “саводсизликни тугатиш” йўлида кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1925 йилнинг июнь ойида Бухорода “Йўқолсин саводсизлик” жамияти ташкил этилди. 1925 йилда саводсизликни тугатиш мактабларида 55 киши, ўқитувчиларни тайёрлаш курсларида 20 киши, совет партия мактабида 10 киши ўқиган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони деярли уч баробарига кўпайиб, буларнинг барини хотин-қизлар ташкил этган.[1;54]

Тараққиётнинг бундай жадал суръатларда бориши республикамизнинг маданий тараққиёти далилидир деб таъкидлайди Ф.Хўжаев. Бу борадаги бир қанча таққослашлар мавжудлигини қуйидаги маълумотлардан билишимиз мумкин. 1931 йилда умумтаълим мактабларида ўқувчилар сони 1 минг аҳолига 106 кишини ташкил этган бўлиб, бу беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан 344 фоизга ўсиш имконини беради. 1931-йилда таълим мактабларидан 590 минг киши ўтган бўлса, беш йиллик режа бўйича режалаштирилган 320 минг кишига нисбатан, бу ҳам маданий қурилиш соҳасида беш йиллик режани ортиғи билан бажарганимиздан далолатдир [8;54] деган фикрни илгари суради.

1935 йил бошқа бир қатор жиҳатлари билан ҳам ажойиб йил бўлди деб таъкидлайди ҳукумат раҳбари Ф.Хўжаев. у фикрини давом эттириб қуйидаги маълумотларни келтиради. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири ижтимоий-маданий қурилишдир. 1935 йилда биз 658,4 минг кишини мактабларга қамраб олдик. 1934 йилга нисбатан 12% кўп. Биз 433 минг кишини саводхонлик мактабларидан ўтказдик, бу 1934-йилга нисбатан 12 фоизга кўп. Биз мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим мактабига қамраб олиш, республикамизда саводсизликка барҳам беришни жадаллаштириш йўлида муҳим қадам ташладик [8; 310-311] деган фикрларини ўз асарларида баён этган.

Хулоса қилиб айтганда, совет мактаб таълими соҳасида ўзига яраша ва камчиликлар билан бир қаторда кўп мактабларнинг қурилиши, мактаб ишлариги эътиборни кўриш мумкин. Аммо таълим масаларида анча муаммолар мавжуд эди. Бу муаммолар анча қийинчиликлар билан амалга оширилди.

REFERENCES

1. Бешим Мирзақулов. Бухоро тарих зарварақларида. (2-китоб). Дурдона. Бухоро. 2018.
2. Бобожонова, Ф. Х. (2021). БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ. *Scientific progress*, 2(1), 362-366.
3. Бобожонова, Ф. Х. (2022). БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. *ke_ [kVSSZSc*, 94.
4. Bobojonova, F. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara. 2020. B-213.
5. Bobojonova, F. X. *Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601* 2021. R-362-366.
6. Bobojonova, F. (2021). Buxoro madrasalari manaviyat durdorasi. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 6(6).

7. Bobojonova, F. (2021). Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларининг фаолияти. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).
8. Bobojonova, F. (2021). Деятельность школ джадидов в бухарском эмирате в начале XX века. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).
9. Bobojonova, F. (2021). Строительство, материальное обеспечение и организация деятельности бухарского медресе. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).
10. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligida XIX asr oxiri XX asr boshlarida ananaviy boshlanshigich maktablar holati. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 1(1).
11. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligidagi madrasalarning qurulishi, moddiy-xojalik taminoti va faoliyatini tashkil qilish masalalari. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 1(1).
12. Murodova Dilrabo Shomurodovna. Buxoro viloyati davlat arxivi tarixi va uning ta'lim muassasalari faoliyatiga oid fondlari . tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (phd) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Buxoro – 2023.
13. Наргизахон Абдуқаххоровна Шарипова Ўзбекистонда совет даври мактаб ўқитувчиларининг ижтимоий қиёфаси. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1 | ISSUE 3 | 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804.
13. Народное образование в Узбекистане. Ташкент.1947.
14. О.Эшонов. Файзулла Хўжаев. (Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк). Ўзбекистон. Тошкент.-1973.
15. С.Ражабов. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир.Ўзбекистон ССР давлат ўқув педагогика. Тошкент.1957.
16. Т.Н.Кары-Ниязов. Очерки истории Советского Узбекистана. М.1955.
17. Ф.Ходжаев. Ибранные труды. Том III.Фан.Ташкент.1973.
18. Xayatovna, B. F. (2021). The issues of construction of the bukhara madrasahs, their material and organization of their activity. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 2(5), 62-75.
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Шарқ.Тошкент.
20. Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент.1974.

16.	ABDULLA ORIPOV – THE HEART OF UZBEK POETRY Xolmatov Madaminjon Muxammadjon o'g'li	58
17.	БУХОРОДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СОВЕТ ДАВРИ МИСОЛИДА) Бобожонова Феруза Хаятовна	62
18.	TALABALARNI TARIXIY YODGARLIKLAR ORQALI MA'NAVIY AXLOQIY TARBIYALASHNING HOZIRGI KUNDAGI AHVOLI Ismoilova A.J. Primbetova N.K.	66
19.	INKLYUZIV TA'LIM MUHITIDA AUTIZM SINDROMLI BOLALAR BILAN ISHLASHNING KLASSTER MEXANIZMLARI Kasimova Mashxura Maxamadaliyevna O'lmasova Madinabonu Faxriddinovna	69
20.	UY-JOY BOZORINING INSTITUTIONAL RIVOJLANISHI VA TARTIBGA SOLISH MEXANIZMLARI Otajonov Tohirjon Xo'janazar o'g'li	74
21.	THE ADVANTAGES OF INCLUSIVE EDUCATION: A COMPREHENSIVE ANALYSIS Saepova Dilnoza Amangeldievna Reymova Myassar Jen'isbaevna	77
22.	EVALUATION OF CLINICAL TYPES, SEVERITY LEVELS AND EFFECTIVENESS OF TREATMENT STRATEGIES OF ACUTE BRONCHIOLITIS IN CHILDREN G'ofurjonov Mirzohid	80
23.	INTELLEKTUALLIQ MINEZ-QULQ FAZALARI Jumanazarova Guljayna Asqar qizi	85
24.	SEMANTIC ANALYSIS OF LINGUISTIC UNITS DENOTING TRADITIONAL AND FORMAL PRACTICES PERFORMED ON THE WEDDING DAY Shodiya Makhmudovna Aripova Moldir Balgabayevna Shoymanova	90
25.	СПОСОБЫ РЕАЛИЗАЦИИ СИНТАКСЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ Надирова Гулбахар Хайратдиновна Каримходжаев Ниятбай Шарипович	93
26.	MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTON ADLIYA TIZIMINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI Jumanazarov Ixtiyor Jamoladdin o'g'li	96
27.	XORAZM VILOYATINING 1925-1945-YILLARDAGI IJTIMOIIY VA IQTISODIY TARAQQIYOTI Xudaynazarov Sarvarbek Shavkat o'g'li	100
28.	ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕЛКОЗЕРНИСТОГО БЕТОНА В ТРАНСПОРТНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ И МАТЕРИАЛОВ Полатбаев Камал Султан улы Махаматалиев Иркин Муминович	104
29.	BIRLAMCHI DISMENOREYA BILAN OG'RIGAN O'SMIR QIZLARNI AMBULATOR SHAROITDA KOMPLEKS DAVOLASHNI TASHKIL ETISH Abduraxmonova Iroda Qalandarova Mavzuna	109
30.	ҚИЗЛАРДА ВУЛЬВОВАГИНИТЛАРГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ	113